Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши
7 ОКТЯБРЬ 1970 й
ЧОРШАНБА
№ 237 (6106).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Шаҳримиз янгиликлари

ҚУРУВЧИ ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Бугун

ШАҲРИМИЗДА «ҚУРУҚ ВА ИССИҚ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА БЕТОН ИШЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ Н И БОШҚАРИШ» МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАБ, БУТУНИТТИФОҚ АНЖУМАНИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ.

Кенгашни РСФСРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника фанлари доктори, профессор С. А. Миронов очди.

СССР Министрлар Совети Давлат қурилиш комитетига қарашли темир-бетон конструкциялари илмий-тадқиқот институти ташкил қилган бу анжуманда мамлакатимизнинг ўттиздан ортиқ шаҳридан келган таниқли олимлар қатнашмоқдалар.

Кенгашда уч кун давомида жуда кўп қимматли докладлар тингланади. Уларда Ўрта Осиё шароитида биноларни қуришда бетон конструкцияларидан унумли фойдаланишнинг афзалликлари ифода этилади.

УЗУМЛАР ШАРБАТИДАН

Бу йил токзорларда кўплаб ширин-шакар узум ҳосилларн етиштирилди. «Тошкентвино» комбинати юбилей йилига белгиланган узум тайёрлаш планини бажарди.

Бугун

пойтахт атрофидаги Калинин, Оржоникидзе, Юқори Чирчиқ ва Янгийўл районларининг колхоз ва совхозларидан ўнлаб тонна узум ҳосили қабул қилиб олинди. Ранг-баранг узумлар саноатда турли хил виполар ишлаб чиқариш учун тайёрланмоқда.

— Энг яхши мускат узумдан тайёрланган шарбатларнинг дастлабки партияси шампан виноси тайёрлаш учун шампан заводига юборилди, — дейди комбинат директори И. Каримов.

Бу йил комбинат коллективи пландан ташқари қарийб бир миллион литр вино ишлаб чиқаришга қарор қилди. Асосан «Ўзбекистон», «Алеатика», «Ҳосилот», «Сояки», «Баян-ширин» каби тотли винолар тайёрланади.

Корхонада 1970 йилга қабул қилинган социалистик мажбурият барвақт бажарилмоқда. Йил охиригача олти юз минг сўмлик қўшимча маҳсулот берилади.



СУРАТДА: КПСС XXIV съездига шахсий совға тайёрлаётган Тошкент тўқимачилик комбинати йигирув фабрикасининг илғор ишчиси Галина Борисова. У смена топшириқларини 120—130 процентга етказиб адо этмоқда.
Ж. Раззоқов фотоси.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Зафарли йиллар

● БЕШ ЙИЛЛИК БАЖАРИЛДИ. ● ПАРТИЯ XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА 1 МИЛЛИОН 200 МИНГ СЎМЛИК ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ БЕРИЛАДИ. ● ЯНГИ ХИЛ БУЮМЛАР ● КОРХОНА ИХТИСОСЛАШТИРИЛАДИ.

Спорт товарлари фабрикасида ишлаб чиқариши янги ўзлаштирилган спорт сумкаларидан дастлабки беш юзтаси тайёрланди. Корхона бу буюмларни келаси йилдан реализация қила бошлайди.

Спорт товарлари фабрикасининг тарихи дастлаб қараганда унча узоқ бўлмаса ҳам беш йиллик унинг учун зафарли йиллар бўлиб қолди. Фабрика ўтган йилнинг август ойида кўн-галантерея комбинати базасида ташкил топди ва иш бошлади. Очиғини айтганда бу корхона кўп йиллардан буён маҳсулот ишлаб чиқариб келмоқда. Комбинатнинг ихтисослаштирилган фабрикага айлантирилишини замоннинг ўзи тақозо этди. Чунки республикамизда спорт билан шуғулланиш оммавий тус олди.

Фабрика ўз маркаси билан янги хил буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозир футбол ва волейбол тўплари, улар учун чарм филофлар, туристлар учун чодир ва рюгзаклар, гимнастика тўшаклари, шахмат-шашка, домино каби бир неча хил спорт буюмлари ишлаб чиқармоқда.

Беш йилликда корхона коллективи ўн беш ярим миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарди ва реализация қилди.

— Йил охирига планга қўшимча яна бир миллион икки юз минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз, — Коллективимиз партия XXIV съездини ана шундай меҳнат совғалари билан кутиб олишга қарор қилди, — дейди бош инженер Т. Норов.

Янги оширилган мажбурият нималар эвазига бажарилади? Янги мажбурият меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ишлаб чиқаришга янги техникаларни жорий этиш эвазига бажарилади.

Фақат сўнгги икки йилнинг ўзидагина олтита кучли гидравлик пресс ва иккита термопластавтомат ишга туширилди. Бу механизмлар шахмат-шашка, домино ишлаб чиқаришни кескин оширди. Шунинг билан бирга ишлаб чиқаришнинг бошқа жараёнлари ҳам механизациялаштирилди. Бунда оқилона иш юритувчи ижодий фикр эгаларининг ҳиссаси катта бўлди.

Технолог Н. Михлеб авторлик гувоҳномасини олишга муваффақ бўлди. Унинг тўпининг чарм филофини ҳамда камерасини ишлаш юзасидан олиб борган реконструкцияси ва таклифи жуда фойдали бўлиб чиқди. Шунингдек, слесарь И. Чумаковнинг киритган таклифи ҳам ишлаб чиқаришга катта фойда келтирди.

Беш йиллик даврида корхонада кўплаб ажойиб мутахассислар етишиб чиқди. Фабрика партия ташкилотининг секретари инженер С. Олтибоева меҳнат ветеранлари, коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳақида гурур билан сўзлайди. Тикувчи Мукамбар Туробова, Валентина Доброрезова, елимловчи Мастура Илҳомова каби ўнлаб ишлаб чиқариш илғорлари аллақачоноқ беш йиллик шахсий топшириқларини бажарганлар. Улар Ленин юбилейининг «Шавқатли меҳнати учун» медали билан мукофотланган.

Съезд олди кунларида фабрика меҳнатчилари тер тўкиб ишлашмоқда. Улар тайёрлаган буюмлар Ўзбекистонгагина эмас, балки Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон, Украина ва Белоруссия каби республикаларнинг спорт ташкилотларига юборилмоқда. Фабрика коллективи ўз олдига қўйилган вазифаларни яхши англамоқда. Чунки, спортнинг оммавий ривожланиши кўп жиҳатдан улар тайёрлаб берадиган буюмларга боғлиқдир.

ТАСВИРЛАРДА САМАРҚАНД ЖИЛОСИ

Рассом Юсуф Елизаровнинг «Ўзбекистон ССРнинг эълон қилиниши» деган асари ўзбек тасвирий санъатининг нодир намуналаридан бири ҳисобланади. Унда Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон ССРнинг ташкил топишига бағишлаб ўтказилган умумхалқ тантанаси руҳи яққол акс эттирилган. Бу асар бир неча ҳафтадан кейин Самарқандда минглаб томошабинларнинг диққатига яна ҳавола қилинади.

Бугун

РЕСПУБЛИКА МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ПАНОРАМ ВА ВИСТАВКАЛАР ДИРЕКЦИЯСИ САМАРҚАНД ШАҲРИГА МАХСУС САНЪАТ АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИНИ ЮБОРДИ.

Кўргазмада мўйқалам соҳиблари Д. Ковалевская, Ҳамза мукофоти лауреати Ч. Аҳмаров, Л. Абдуллаев, А. Розиқов, Р. Темуров ва бошқаларнинг асарлари ҳам намойиш этилади.

Кўргазма қадимий шаҳарнинг 2500 йиллик юбилей кунлари тантанали вазиятда очилади.

Уй муборак!

Калидлар маржони

Пойтахтимизнинг янги массивларини бунёд этаётган қўли гул қурувчилар минглаб оилаларга калидлар маржонини тақдим қилмоқдалар. Буни янги уй-жойларни фойдаланишга қабул қилувчи давлат комиссиясининг ҳисоботидан ҳам билиш мумкин.

Бугун

«ҚОРАҚАМИШ» МАССИВИДА ЯНА БИР ИЎЛА УЧТА УЙ ТАЙЁР ҚИЛИНДИ. УНИ «ЖИЛСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ҚУРУВЧИЛАРИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРДИЛАР. УЙЛАРНИНГ ҲАР БИРИ 32 ОИЛАНИ ЎЗ БАҒРИГА ОЛАДИ.

153-қурилиш трестининг бунёдкорлари меҳнати ҳам баракали бўлди. Улар Чилонзорнинг Д-20 кварталида ҳар бири 72 квартирали бўлган учта уйни қуриб битказилганлиги ҳақида рапорт бердилар. Шу трест 1500 ўқувчига мўлжалланган янги ўрта мактаб биносини ҳам ўз эгаларига топширди.

Чилонзорнинг «Халқлар дўстлиги» кўчасида қад кўтарган улкан бино 162 оилага мўлжалланган. Уни 1-уйсозлик комбинати билан 6-қурилиш трестининг коллективи ҳамкорликда бунёд этишди.

Кичкинтойлар қувончи

ҚУРУВЧИЛАР СОВҒАСИ

Бунёдкорларимиз кичкинтойларни ҳам эсдан чиқариб қўйишмаяпти. Улар учун барча қулайликларга эга бўлган боғча-ясликлар қуриб беришяпти.

Бугун

«МАРКАЗ-14» КВАРТАЛИДА 448-БОҒЧА-ЯСЛИ ҚУРИЛИШИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

«Главташкентстрой»лик қурувчилар 280 ўринли бу боғчани муддатидан бир ой олдин қуриб битказишди. Эртагидан бу ерни қувноқларнинг жаранглн овози эгаллайди.

«Қорақамиш» массиви аҳолиси фарзандларн ҳам ўз боғчаларига эга бўлишади. Боғча-ясли эшиклари келгуси ҳафта очилади.

Ҳозир шаҳарнинг 485 боғча-яслисида 80 мингга яқин кичкинтой яйрамоқда.

Пойтахтимизнинг бир куни

ДАЛА ШИЙПОНИДА ЛЕКЦИЯЛАР


Бугун

республика соғлиқни сақлаш министрлигининг эпидемиология, микробиология ва инфекция касалликлари илмий-тадқиқот институти ҳамда институт қошидаги клиника ходимларидан иборат бир группа шифокор олимлар областларга жўнаб кетишди.

Улар Қашқадарё, Сурхондарё, ҚҚАССР ва бошқа областларда бўлишиб, инфекция касалликлари ва унинг олдини олиш ҳамда камайтириш тўғрисида бир ой мобайнида лекциялар ўқишади. Олимлар группаси саломатлик борасидаги лекцияларни пахта учун кураш фронтининг зарбдор участкалари бўлган — дала шийпонларида ўқишади.

Лекторлар орасида тажрибали олимлардан, фан кандидатлари М. Туропов, У. Хўжаев, Ж. Одилов, И. Илёсов ва бошқалар бор.

ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР



Яқин келажакда Октябрь районидаги студентлар шаҳарчаси янада кенгаяди. Ҳозир у ерда кўп қаватли ўқув корпуслари, ётоқхоналар ва маданий-маиший объектларни қуриш кенг кўламда олиб борилмоқда.

СУРАТДА: студентлар шаҳарчасининг яқин келажакдаги қиёфаси мана шундай бўлади (макет).

М. Нуриддинов фотоси.

ВАТАНГА 4.400000 ТОННА пахта берамиз

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ҲИММАТИ

Ўлкамизда олтин куз фаслининг ўзига хос гашти ва фазилати ҳукмронлик қилиб турибди. Бепоён далалардаги «оқ олтин» дурдоналари жадаллик билан териб олинмоқда. Республикамизнинг 4 миллион 400 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этишда ҳамшаҳарларимиз ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўтган шанба ва якшанба кунлари пахта теримида 23 мингга яқин ҳашарчи қатнашди. Уларнинг ғайрати ва шижоати билан 452 тонна пахта давлат хирмонига тўкилди. Пахта теримида Киров райони меҳнаткашлари ажойиб меҳнат намунасини кўрсатдилар. Улар терган ҳосил 78 тоннадан иборат бўлди. Октябрь райони ҳашарчилари эса 62,5 тонна пахта теришга муяссар бўлдилар. Бошқа районларнинг меҳнаткашлари ҳам садоқат билан меҳнат қилдилар.

Ҳамшаҳарларимиз мавсум бошидан буён дам олиш кунларида 1344 тонна «оқ олтин» териб бердилар.

Тонгги газеталарда

◆ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Подгорний, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Косигин ўртоқлар Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, ГДР Давлат кенгашининг раиси Вилли Штофга, ГДР Халқ палатасининг Раиси Геральд Геттнигга ва ГДР Миллий фронти Миллий советининг Раиси Эрих Корренсга телеграмма йўллаб, Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетини, давлат органларини, жамоат ташкилотларини, республиканинг барча гражданларини Германия Демократик Республикаси ташкил топган кунининг 21 йиллиги билан самимий табрикладилар.

РАКЕТА АСТРОФИЗИКА ОБСЕРВАТОРИЯСИ УЧИРИЛДИ

1970 йил 3 октябрь Москва вақти билан соат 7 дан 20 минут ўтганда Совет Иттифоқида Қуёшни ва унинг айрим соҳаларини комплекс ўрганиш мақсадида ракетали астрофизика обсерсатцрияси учирилди. Баландликка учадиган ракетанинг бош қисмидаги махсус контейнер ичига жойлаштирилган мўлжал олдирилган ва стабиллаштирилган платформага ультра бинафша ва рентген нурлари соҳасидаги қуёш нурланишини қайд этувчи илмий асбоблар комплекси ўрнатиб қўйилган эди.

Ракетали обсерваториянинг парвози салкам 500 километр баландликкача бўлган тик траектория бўйлаб амалга оширилди. Тадқиқотлар программаси бажариб бўлинганидан кейин ракетали обсерватория билан контейнер парашют системаси ёрдамида ерга туширилди. Олинган маълумотлар ишлаб чиқилмоқда, унинг натижалари илмий матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ХАЛҚ АРТИСТИ О. ХЎЖАЕВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет театр санъатини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлганлиги муносабати билан Ҳамза номли ўзбек академик драма театри артисти, СССР халқ артисти Олим Хўжаев Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1970 йил 6 октябрь.

ТРАНСПОРТЧИЛАР АҲДИ

Шаҳар ижроия комитети қошидаги трамвай-троллейбус бошқармаси ходимларидан иборат икки бригада аъзолари шу кунларда Сирдарё области «оқ олтин» далаларида пахта теришяпти. Бригадаларга 1-троллейбус парки партия ташкилоти секретари М. Толипов ва 1-трамвай депоси маршрут бошлиғи В. А. Местеровлар раҳбарлик қилишяпти.

Икки мусобақадош бригаданинг ҳар бири 100 ҳашарчидан иборат бўлиб, областнинг Сирдарё районидаги «Коммунизм» колхози хирмонига кунига 3,5-4 тоннадан кумуш тола тўкишяпти. Транспортчилар юбилей йилида эл хирмонига 150 тоннага яқин «оқ олтин» тўкишга аҳд қилдилар.


Ўтган йили ҳам ҳашарчилар шу колхознинг хирмонига 70 тонна ва Ўрта Чирчиқ районидаги К. Маркс ҳамда Пахтаорол районидаги К. Маркс колхозлари хирмонига 25—30 тоннадан пахта териб тўкишган эдилар.

Бугун

бошқарма бошлиғининг ўринбосари М. Валиев редакцияга телефон қилиб, пахтазорларга шаҳардан махсус машина йўл олганлигини маълум қилди.

Унда бошқарманинг слесарлари бўлиб, улар «зангори кема»ларни ремонт қилишда қатнашадилар.

Транспортчи ҳашарчилар республиканинг улкан хирмонини юксалтириш учун ғайрат камарини янада маҳкам боғлайдилар.



«Ташсельмаш» заводи ишлаб чиқарган «зангори кема»лар Тошкент областининг Оқ қўрғон районидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» совхози далаларида.

А. Тўраев фотоси.

Тошкентликлар ҲИССАСИ

Байрамингиз муборак, ГДР!

Ўзбекистон пойтахтининг жамоатчилиги қардош Германия Демократик Республикаси эълон қилинганлигининг 21 йиллигини кенг нишонламоқда. Шаҳримиздаги кўпгина корхоналар ва муассасалар Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлимининг аъзоларидир. Улар орасида Ленин номли электрон-техника заводи, ТошДУнинг роман-герман факультети, Чкалов номли авиация заводи ва бошқа ўрта махсус ўқув юртлари бор.

Кеча

Куйбишев районидаги 60-ўрта мактабнинг педагог ва ўқувчилари қардош ГДРдан келган меҳмонларни самимий кутиб олдилар.

Улар меҳмонларга интернационал дўстлик клубининг фаолияти ҳақида гапириб бердилар ва ГДРга бағишланган стендлар ва фотовитриналар, кўргазмаларни намойиш қилдилар.

Бугун

кечқурун республика Билим уйида ТошДУ тарих факультети доценти В. Гулин Совет Иттифоқи ва ГДР халқларининг бузилмас дўстлигига бағишлаб лекция ўқийди. Шундан кейин «Ўртоқ Берлин» деган фильм намойиш қилинади.

СУРАТДА: Потсдам конференцияси бўлиб ўтган уйни кўриб турибсиз.

Р. Плунгян фотоси.





«Ўртоқ» кондитер фабрикаси коллективи эл дастурхони учун юзлаб тонна турли ширинликлар ишлаб чиқаётир. Корхонада барча ишлаб чиқариш восталари механизациялашган. Шу сабабли фабрика коллективининг ишлаб чиқариш қуввати йил сайин ортиб бораётир.

СУРАТДА: конфет цехининг шоколад тайёрлаш конвейери.

КПСС XXIV съезди шарафига

СУРЪАТ ОРТДИ

Трактор заводининг 19-цех ишчилари умум халқ ҳаракатига бирин-чилар қатори қўшилиб, ўз зиммаларига ошириб олган мажбурият олган эдилар. Ҳозир цехда меҳнат вахтаси давом этяпти.

Уз топшириқларини 120-125 процентдан бажариб келаётган катта мастер Абдусаттор Абдуллаев бошлиқ смена аъзолари беш йиллик-нинг сўнги йили план топшириқларини 20 декабрда бажаришга ваъда беришди.

Цехнинг Р.Ахмаджонов, Э.Эргашев, Д.Пахатная, Л.Бочарова, М. Алиев каби пешқадамлари ҳозир 1971 йил ҳисобига меҳнат қилишяпти. Уттиз олти ишчидан ташкил топган бу аҳил коллектив ҳозиргача беш мингдан зиёд «Т-28Х4» маркали трактор йиғиб берди. Трактор йиғув цехи юбилей йилида шу маркали тракторлардан ўн етти мингтасини тайёрлаши керак.

КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини ҳаётга тадбиқ этаётган цех ишчилари ҳозиргача қишлоқ хўжалигига ўн мингдан ортиқ трактор бердилар. Жумладан, юздан ортиқ трактор пландан ташқари тайёрланди. Меҳнат унумдорлиги йил давомида 6,5 процент ошиши керак.

Айни кунларда иш суръати ва маҳсулот сифати учун кураш авж олдирилган.

А.РАҲИМОВ.

КУЧ БИРЛИКДА

Беш йиллик илғорлари

Турсун Малохунов тўғрисида гап кетгудек бўлса, раҳбарлар, олдин унинг иш бнлармонлиги, ташкилотчилиги, камтарлиги тўғрисида гапиришади. Ёш бўлишига қарамай, ўзига топширилган ҳар қандай топшириқни уддалай олишини гурур билан ҳикоя қилишади. Биз Турсун Малохунов билан учрашгунга қадар, унинг тўғрисида анча нарса билиб олдик: у ўрта мактабни тамомлаб қурилишга келган. Армия сафида ҳам ҳарбий қурувчилар билан ўз малакасини оширган.

— Турсун армия сафидан қайтиб келгач, Тошкент политехника институтининг қурилиш факультетига кириб, институтни тамомлади, яна ўз трестига ишга кирди, — деди суҳбатдошларимиздан бири. — Мана, ёш бўлса ҳам, катта участкада иш бошқарувчи — прораб бўлиб ишлаяпти.

Минорали кранининг см арқонлари дам баланд кўтарилиб, дам пастга тушмоқда. Ҳар ер, ҳар ерда пайвандчиларнинг зангори олови порлайди. Ғишт теручилар дурадгорлар ва арматурачиларнинг қўли қўлига тегмайди. Прораб Турсун Малохунов ўз штаби-вагон уйчада кўринмайди. Унинг ҳозиргина ишчилар ёнига кетгани ҳақида радист қиз маълумот берди.

— Ҳормангларми!

— Ҳа, бор бўлинг!

— Бизга прораб керак эди, — минорали кранга панел илаётган юкчига мурожаат қилдик.

— Турсунбой иккинчи қаватда, Виктор Жак бригадаси ёнида.

Селкиллаб турган ёғоч пиллапоялардан иккинчи қаватга кўтарилдик. Прораб бизни мезбонларча кутиб олди. Унинг қотма жуссаси, ҳар бир сўзни чертиб-чертиб гапиришини кўрган юкчи дарҳол гапга юкришиб кетади. У бизга участкадаги ишлар, кундалик нормасини ҳамиша ортиғи билан адо этадиган ажойиб юкчилар тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

— Мен ўзимнинг биринчи ишимни шу ердан бошлаганман. У вақтда, Луначарское шоссесининг шимолий қисми дала, баланд-паст тепаликлардан иборат эди. Биз уй-жойлар қурдик. Мана, энди бу ерни кўрган одам илгариги бўш ерлар ўрнидаги уйларга завқ билан тикилади.

Дарҳақиқат, бу ердаги уйлар ўз шинамлиги ва пардози билан кишининг диққатини тортади: дераза ва эшиклар кесакиси устига атлас нусхасида ҳар хил чинни ва ойналардан гуллар солинган. Ариқларда сувлар шалдираб оқмоқда. Ҳовлиларга ўтқазилган дарахтларнинг барги ҳар хил, худди атласдек товланаётгандек бўладн. Ҳар хил гуллар юкишнинг бахрини очади, катта, кенг йўлдан эса ҳар хил машиналар ғизиллаб у ёқдан бу ёққа елмоқда. Ҳар ер, ҳар ерда осмонга бўй чўзган кранлар катта қурилишлар давом этаётганлигидан далолат беради. Қурувчилар ўз меҳнатлари билан ҳар қанча ғурурланса арзийдиган иш қилишяпти.

— Бу ерда асосан Виктор Александровнч Жак бошқараётган комплекс бригаданинг аъзолари ишлашяпти. Боқча ва яслига мўлжалланган бу объект бир ярим гектар чамаси майдонни эгаллайди. Объект фойдаланишга топширилгандан кейин бу ерда 280 кичкинтой тарбияланади, — деди Турсун Малохунов, — бригада бошлигимиз — бебаҳо одам. Унинг қўлидан қочиб қутиладиган иш йўқ: вақти келса, ғишт теради, зарур бўлса дурадгорлик қиладн, бетон қуйиб, пайванд қиладн.

Бригада ишининг намунали ташкил қилинишн меҳнат унумдорлигининг ортиши ва иш сифатининг яхшиланишини таъминламоқда. Бригада тўрт звенога бўлинган. Ҳар бир звено маълум участкада алоҳида операцияни бажаради. Масалан, Александр Гришин бошлиқ звено аъзолари ғишт теради, Константин Кубанцев звеноси пайванд қиладн. Эраш Мамбетов звеноси эса бетон ётқизади, арматура тайёрлайди. Борис Филиппов бошқараётган звенога эса дурадгорлик ишларн топширилган. Ишнинг бу хилда тақсимланиши ҳар бир звенонн иш фронти билан таъминлашдан ташқари, ишчиларнинг шахсий масъулиятини ҳам оширади.

Иш суръатининг ортиб боришида прорабнинг шахсий хиссаси катта. У ҳар кунн кечқурун эртага кнм қаерда ишлаши ва қандай вазифани бажаришни аниқ тайинлайди. Бажарнладиган ишлар ҳажмини қатъий ҳисобга олиб, шунга яраша бетон қорншма, ғишт ва бошқа материалларнинг объектда тахт бўлишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида ютуқларни мустаҳкамлайди.

Участка ишига бошдан-оёқ назар ташлар экансиз, шу туфайли ишда тартиб ва ҳар бир участкада тежамкорликка эришилаётганига қаноат ҳосил қилдик.

Ҳозир боқча-ясли қурилишида иш қизғин. «Н» шаклидаги иморатнинг иккинчи қаватида иш олиб борилмоқда. Объектда бош пудратчи 4-трестнинг 19-қурилиш бошқармасига қарашли Турсун Малохунов прорабликн қилаётган участкадан ташқари, Пардозлаш трестининг 20-пардозлаш бошқармасн, «Ташсантехмонтаж» бошқармасн сингари ёрдамчи пудратчилар ҳам иш олиб боришмоқда.

— Объектни муддатидан икки ой илгари фойдаланишга топширамиз, — дейди прораб, — бунинг учун барча имкониятларни қатъий ҳисобга олдик.

Прорабнинг сўзи билан иш бир. Участка коллективи беш йиллик планнн бажариб, келгуси йил ҳисобига ишлаётганнга икки ой бўлди. Йиллик план ҳам шу ой охиригача бажарилади. Демак, пешқадам коллектив партия XXIV съезди шарафига олган юксак мажбуриятнни шараф билан адо этади.

Ҳ. ҲАКИМОВ.

● Меҳнатда пешқадамлар

Металл тобловчи усталар


Цехда энергетикнинг вазифаси энг керакли ва масъулиятлидир. Бу вазифа ўз касбини яхши билишни, кузга кўринган камчиликларни ўз вақтида бартараф қилишда иккиланмай бир қарорга келишни ва бу камчиликни бекамиқўст бажаришни талаб қилади.

«Таштекстильмаш» заводи металлни қайта тоблаш цехининг энергетиги И. Овчинников худди шундай мутахассис — ўз касбининг устаси ҳисобланади.

У ана шу цехда ўн етти йилдан буён ишлаб келмоқда. Малакали ишчи ишлаб чиқаришда орттирган кўп йиллик тажрибасини донмо ёшларга ўргатиб келмоқда. Бешинчи разрядли электромонтёр шу йиллар мобайнида бир неча шогирдлар етиштирнб чиқарди.

Ш.Эргашев, А.Каримов каби шогирдлари ўз усталари қатори меҳнатда пешқадамлик қилишяпти. Бу комсомол аъзолари Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кечки бўлимида ўқишяпти. Устозннинг айтганлари шогирдлар учун яхши мутахассис бўлиб етишишларида мустаҳкам пойдевор эканлигини улар яхши тушунадилар.

Х.ОЧИЛОВ.



СУРАТДА: тўқимачилик комбинати 2-тўқув фабрикасининг илғор тўқувчиларидан Людмила Лашчинина билан Мария Осерская янги ҳосилдан маҳсулот тайёрламоқдалар. Бу меҳнаткаш аёллар партиямизнинг XXIV съезди шарафига ўз топшириқларини ошириб адо этяпгилар.

● *Газета ва журналларга обуна бўлдингизми?*

Иш яхши ташкил этилгач...

57-алоқа бўлими пойтахтимизнинг шимолий саноат районидаги жуда катта территорияда жойлашган аҳолига хизмат қилади. Коммунистик меҳнат бригадаси номини олган бу коллективда ўз касбини севган ўнлаб почтальонлар, оператор ва телеграмма ташувчилар ишлайди. Улар аҳолига янада яхшироқ хизмат қилиш учун кундан-кунга социалистик мусобақани қизитмоқда. Биргина шу алоқа бўлимида ўттиздан ортиқ почтальон ҳар куни минглаб газета-журналларни, хат-хабарларни, телеграммаларни аҳолига ўз вақтида тарқатиб, улар ҳурматини қозонмоқда.

Шунинг учун бўлса керак, газета ва журналларга обуна бўлиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Алоқа бўлимига кирсангиз обунага оид хилма-хил рангли плакатлар, диаграммалар ва тушунтириш қоғозлари осиб қўйилганини кўрасиз. Обуна қилиш учун махсус одам тайинланган бўлиб, у олдиндан обунага оид янгиликлар билан таништирилган.

Аҳолига қулай бўлсин деб, кунниг исталган вақтида обуна бўлиш тадбирлари белгилаб қўйилган.

Обуна бошланганлигига ҳали кўп вақт бўлмаганлигига қарамай минг сўмга яқин обуна тўпланди.

Аҳолини газета ва журналларга обуна қилишда почтальонлар ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улардан Э. Березницкая, Ш. Тен, Х. Ҳакимова ва бошқалар ўз иш вақтларида ўнлаб обуначиларни уйларида газета ва журналларга обуна қилдилар.

Жамоатчи қиз

«Компрессор» заводининг ишчи ва хизматчилари газета ва журналларга обуна бўлишни ўтган йилдагига қараганда бу йил барвақт бошлаб юборишди.

Завод кутубхонасининг мудири Л. Қодирова жамоатчилик ҳурматини қозонган. У газета ва журналларга обуна қабул қилишдан олдин завод партия ташкилотининг секретари Н. В. Бабичев билан завод цехларида, участкалари ва бўлимларида бўлиб, бу йилги обуна ҳақида тушунтириш ўтказди. Турли рангли плакатларни кўринарли жойларга осиб қўйди. Натижа кутилганидан ҳам эиёда бўлмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ заводда ишлаётганларнинг ярмидан кўпи обуна бўлдилар.

— Мен,— дейди биринчи цех илғор ишчиси М. Усмонов,— марказий ва маҳаллий газеталар билан бирга «Партия тушмуш», «Политическая самообразования», «Проблема мира и социализма» каби снёсий журналларга ёзилдим. Цехда мен билан яна 20 кишн газета ва журналларга обуна бўлишди.

Завод хизматчиларидан юздан ортиқ кишн икки минг сўмлик обуна тўпладн. Л. Қодировага обуна тўпладда завод инженерларидан В. М. Захаров, 1-цех парторги Н. А. Алтибоев ва бошқалар яқиндан ёрдам беришмоқда. Заводда обуна ишлари кундан-кунга қизитилмоқда.

Ишда тартиб йўқ

Аҳолига яхши хизмат қилмаганлиги учун бир неча бор танқид қилинib. раҳбарлари ўзгартирилган Октябрь алоқа узелига қарашли 132-алоқа бўлимида аҳвол ҳанузгача ўзгармай келмоқда. Бунга, асосан бўлим бошлиги Ш. Шоназаровнинг ўз ишига ўта совуққонлик билан қараши сабаб бўлаяпти. Алоқа бўлими Октябрь массивининг деярли ярмига хизмат қиладн. Почтальонлар етарли. Бу ерда С. Салимов, В. Қодирова каби малакали почтальонлар ишлайди. Лекин бўлим бошлигининг кўполлиги туфайли иш бутунлай ёдан чиққан. Бўлим хизмат қилувчи хонадонлардан сўрасангиз, яхши гап эшитмайсиз. Яқдил кўча 2-проезд 131-уйда турувчи Р. Одилов бир ҳафталаб почта олмаслигини куйиниб гапирди. Бу оила деярли ҳамма маҳаллий газеталарга ёзилган, бир неча марказий журналлар ҳам олади. Аммо улар вақтида етказиб берилмаётгани учун бу йил обуна бўлишга ҳайрон. Иш жойдан ёки киоскадан олишни маъқул кўради. Нашриёт кўчасида турувчи А. Абдусамадов тошширган буюртма хати бўлимда бир ой қолиб кетганлигидан шикоят қилади.

Алоқа бўлими бир кунда оладиган газета ва журналларнинг сонини ҳеч ким билмайди. Газета-журнал экспедицияси нечта газета юборса, шуни почтальонлар талашиб-тортишиб олиб кета берадилар.

Аҳвол шундай бўлгач, бу йилги обуна ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ҳатто, обуна ҳақидаги эълон ҳам кўримсиз жойга осиб қўйилган.

И. УСМОНОВ.

● ШУ КУННИНГ ТАШВИШИ

Муддатидан олдин

Шу кунларда кўпчилик меҳнат аҳли тўкин кузнинг мўл ҳосилини йиғиб олишга киришган. Аввало республикамиз нефтихори «оқ олтин»имиз тайёрлов пунктларидан пахта тозалаш заводларига зудлик билан ташиляпти. Сабзавот ва полиз экинлари, турли мевалар қиши билан сақланадиган махсус омборларга келтириляпти. Бу ишларда транспорт алоҳида аҳамиятга эга.

Хусусан шаҳримиздаги 87-автобаза коллективининг иши, айниқса, кўзга ташланади. Биз автотранспорт министрлигини қарашли мазкур автобазанинг директори Б. Л. Айрапетьян билан суҳбатлашдик, у бундай деди.

— Беш йилликнинг якунловчи йилида коллективимиз аъзолари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишяпти. Пландан ташқари етмиш минг тонна юк ва тўққиз юз минг тонна километр йўл босишни мўлжаллаяпмиз. Беш йиллик планни шу йилнинг 7 ноябрида, албатта, бажарамиз.

Беш йилликнинг охиригача пландан ташқари уч юз минг тонна халқ хўжалиги юкини ташиб, 3.300 минг тонна-километр йўл босамиз. Шунда давлатга икки юз йигирма икки минг сўм фойда келтирган бўламиз.

Ўтган тўққиз ой ичида йил лик пландан ташқари халқ хўжалигига оид эллик минг тонна юк ташилиб, етти юз эллик минг тонна километр йўл босилди. Натижада, ўттиз минг сўм фойда кўрилди. Шунингдек, беш йилликни муддатидан олдин бажариш мажбурияти ҳам шараф билан адо этилаяпти. Бир юз йигирма беш машина қайдовчимиз ҳозирнинг ўзида шахсий беш йиллик планларини бажариб қўйдилар.

Бу ютуқларга эришишимизнинг сири нимада? Аввало шу пайтгача ишлатилмаган резервларни ишга солдик, автопарклардан тегишлича фойдаландик. Юк ортиш ва туширишни тезлаштирнб, вақтни тежадик, ремонтчиларимиз ишларида суръат ва сифат талаб қилдик.

Ишлаб чиқариш эстетикаси, маданияти, санитария аҳволига тўла риоя қилингани учун ВЦСПС ва СССР министрлар Совети томонидан коллективимизга биринчи даражали диплом берилди. Машина ҳайдовчиларидан тўқсон етти киши юбилей медали билан тақдирланди.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми қарорларидан руҳланиб, зл қатори биз ҳам қишлоқ хўжалиги ишларига яқиндан ёрдамлашишга аҳд қилдик, Тошкентдаги йигирма секкизта завод ва фабрикага бизнинг машиналаримиз хизмат қилади.

Биз бу йил пахта тозалаш заводларига олтмиш минг тонна «оқ олтин» ташишимиз керак. Шунингдек, ғалла ташишда ҳам ҳиссса қўшяпмиз. Базамиз автомашиналаридан бир нечтаси Самарқанд областининг Ғаллаорол районига юборилганди. Икки ой мобайнида етмиш минг тонна ғалла ташилди. Натижада машина ҳайдовчиларимиз Самарқанд область партия комитети ва Ғаллаорол район партия комитетининг ташаккурномаларини олишга сазовор бўлдилар.

Тўққиз ой мобайнида бирорта ҳам авариясиз ишланган коллективимизнинг катта ютуғидир. Биз, эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмай, ўз вазифамизни пухта бажариш билан бир қаторда йиғим-терим ишларига ҳам актив қатнашиб, партиямизнинг XXIV съездини меҳнатда янги-янги зафарларга эришиб кутиб олишга бел боғлаганмиз.

Маҳалламизга туташ бўлган проезд ва тупикларни ҳамиша озода сақлаш учун аҳолидан навбатчи фаррошлар биркитдик.

Шу атрофдаги ташкилотлар, ошхона, озиқ-овқат ва хўжалик молларн магазинлари, «Тоҳир ва Зуҳра» кийимлар ва газмоллар уйи ва бошқа коллективлар ҳам шанбалик, якшанбаликлар уюштириб туришса, горсаночистка машиналари аҳлат яшикларини бўшатгани кунига икки мартадан қатнаса яхши бўлар эди.»

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ"ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

ЯКДИЛЛИК БИЛАН

Шу йил 11 августда газетамизда «Бунга ким эътибор беради?» сарлавҳали материал ёритилган эди. Унда Маннон Уйғур номидаги кўча бошида жойлашган саккизинчи дирхона атрофидаги нохушликлар ҳақида ёзилганди. Кабоб, ширинликлар, газ сувлар билан савдо қилувчиларнинг теварак атрофлари, автостанция майдонлари, ариқ ичларида ҳар хил темир-терсак, кулгепалар, қовун-тарвуз пўчоқларию, ахлат уюмларини кўриш мумкин, дейилган. Ундан ташқари рўзғордаги магазаларнинг катта кўчага оқизилгани ҳақида ҳам айтилганди.

Яқинда редакциямизга Октябрь район Калинин номли маҳалла комитетининг раиси Н. Махсумов, секретари Х. Раҳмонбердиевдан жавоб хати келди. Унда бундай дейилади: «Октябрь бозори яқинлари, Калинин майдони, шунингдек маҳалламизнинг Маннон Уйғур кўчасида, автостанция теварагн ва ариқларнинг ҳамиша ифлосланиб ётиши ҳаққоний равишда танқид қилинган.

Биз мақолани кенг муҳокамадан ўтказиб, маҳалла ахли билан шанбалик ва якшанбаликлар уюштиришга қарор қилдик. Орадан ўтган вақт ўтмай ҳаммаёқни тартибга келтириб қўйдик.

Маҳалламизга туташ бўлган проезд ва тупикларни ҳамиша озода сақлаш учун аҳолидан навбатчи фаррошлар биркитдик.

Шу атрофдаги ташкилотлар, ошхона, озиқ-овқат ва хўжалик молларн магазинлари, «Тоҳир ва Зуҳра» кийимлар ва газмоллар уйи ва бошқа коллективлар ҳам шанбалик, якшанбаликлар уюштириб туришса, горсаночистка машиналари аҳлат яшикларини бўшатгани кунига икки мартадан қатнаса яхши бўлар эди.»

● ҚИШЛОҚ — ШАҲАРГА

Далалар жамоли

Қовун пўчоғи ерга тушди, куз келди. У ўзининг қанотида деҳқонининг фидокорона меҳнати эвазига далаларга ажиб бир файз олиб келди. Миришкор тер тўкиб етиштирилган маҳсулотларини тезроқ йиғиб-териб олиш пайига тушиб қолди.

Калинин районидаги «Москва» совхози далаларида ҳам меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон. Совхоз қирли ерларда жойлашган бўлишига қарамай, ҳар йили эл дастурхонига кўплаб тонна сабзавот, қовун-тарвуз, картошка етказиб беради. Қирда деҳқончилик қилиш, мўл ҳосил ундириш осон эмас, албатта. Бироқ, омилкорлар борган сайин кўпроқ маҳсулот етиштиришга эришаётирлар. Шу йилнинг ҳозирига қадар йигирма гектар янги ер ўзлаштирилди, қудратли учта сув насоси бу майдонларни сув билан таъминлай бошлади. Аҳолига қўшимча 300 тонна маҳсулот юбориш имкони яратилди. Совхоз бу йил давомида давлатга 1500 тонна қовун-тарвуз, 600 тонна картошка, 3 минг тонна сабзавот топширади.

Кузда полиззорларда бўлганмисиз? Қучоғингизга аранг сигадиган ширин-шакар қовун-тарвуз етиштирган қадоқ қўлли деҳқонлар билан ҳамсуҳбат бўлганмисиз? Совхознинг Турсунбой Алимжонов етакчилик қилаётган бригадасига бир келинг. Миришкорларнн она-ерга меҳри, саҳоватини кўрасиз. Бригада 14 гектар ерда қовун-тарвуз ундирган. Азаматлар аҳолига 240 тонна полиз маҳсулотлари юбориш учун қурашаётирлар. Эртаиндин план бажарилади. Бригадада бошқа экинлардан ҳам тўкин ҳосил ундиришга эришилган. Етти гектар ердаги эртаги картошкадан 72 тоннадан знёд маҳсулот йиғиб олиниди. Олти гектар майдондаги кечки картошкадан ҳам ҳосилдорлик кам деганда 11 тоннаданга айланади.

Совхознинг К. Тойиров ва М. Камолов ўртоқлар етакчилигидаги бригадаларда ҳам помидор, қовун-тарвуздан юқори ҳосил кўтариляпти.

Хўжалик деҳқонлари КПСС XXIV съезди шарафига етиштирилган маҳсулотларни нес нобуд қилмай аҳолига етказиб беришни жадаллаштираяптилар. 90 гектар полиз экинларининг ўзидан давлатга кунига 65—70 тоннадан ошириб ҳосил топширишга эришаётирлар. Далалар қўйни деҳқоннинг фидокорлигидан ҳамон ҳосилга тўла.

А. ХАТАМОВ.



СУРАТДА: экскаватор ремонти заводининг пешқадам машинасозларидан Эрали Абдукаримов ва Карл Фрицлер ремонтдан чиққан экскаваторларни кўздан кечирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

Совет Иттифоқи БЎЙЛАБ

ЯПОНИЯДАН СОВҒА

Юк ортилган «Физик Вавилов» Қора денгиз турбаходи Япония портларига сафардан қайтиб келди. Капитанининг биринчи ёрдамчиси Виктор Лисовский Японияда ҳат ва хат муаллифи томонидан тузилган русча-японча сўзлашув китобчасини келтирди.

Ана шу дўстлик совғалари ҳақида Виктор Лисовский қўйидагиларни сўзлаб берди.

— Биз Хонсю оролининг жанубидаги Кобе портида, Осака қўлтиғида турар эдик. Ажойиб киши, маҳаллий босмахонанинг ходими Советлар юртининг дўсти, «Япония — СССР» жамиятининг активисти Тани Тасио билан биз шу ерда танишдик. У рус тили ва адабиётини 25 йилдан бери ўрганар экан. Рус талини шундай яхши ўзлаштирибдики, совет денгизчилари учун русча-японча сўзлашув китобчасини тузибди. Бу китобча Япония — СССР жамияти томонидан нашр этилган.

Японияник оддий ишчи совет денгизчиларига бериб юборган хат ҳам рус тилида ёзилган. Бу хатда у Япония меҳнаткашлари ҳаётига ва шахсан ўз ҳаётига Улуғ Октябрь социалистик революцияси, Ленининг асарлари, Советлар юртининг муваффақиятн, Японияда севилиб ўқиладиган ва ҳаммага таниш Максим Горькийнинг кўрсатган таъсири ҳақида ҳикоя қилади.

Иосиф ПИКАРЕВИЧ, АПН мухбири.

ДЎСТЛИК РАҚСИ

«Ровно-Видин» — Ровно области ёшларининг энг севимли рақси ана шундай деб аталади. Бу рақс Ровно канон комбинати Маданият саройининг қўшиқ ва рақс халқ ансамбли Болгариядаги гастролларга тайёргарлик кўраётган пайтда туғилди.

— Совет Украинасининг Ровно области меҳнаткашлари билан Болгария Халқ Республикасининг Видин округи меҳнаткашлари ўртасидаги дўстлик,— деб ҳикоя қилади ансамбль раҳбари Фанна Земельская, —тўқувчиларимиз ўртасида қардош мамлакат санъатига катта қизиқиш уйғотди. Йигит ва қизлар болгар маданияти ва санъатини ўрганишар экан, болгар ва украин «Казачек» рақсининг хореографик асосн ўртасидаги умумийлнкни сезиб қолдилар. Улар ҳар икки рақсининг ритми ва алоҳида элементларини бирлаштиришга ҳаракат қилиб кўрдилар. Томошабинларнинг олқишларига қараганда бу тажриба муваффақиятли чиқди. Янги рақсни Видин округи корхоналарининг ишчилари ҳам самимий қарши олганлиги бизни тўлқинлантириб юборди.

«Ровно-Видин» — Украина ҳаваскорлик санъати республика фестивалида махсус соврин билан тақдирланган. Бу рақс Ровно области рақс коллективларининг репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Юрий ИВАНОВ, АПН мухбири.



ШАМОЛЛАБ ҚОЛМАНГ...

Об-ҳаво ҳароратининг кескин ўзгариши натижасида, шамоллаш касаллиги келиб чиқади. Шамоллашнинг олдини олиш ва уни даволаш учун дорихоналарда турли дори-дармонлар мавжуддир. Касалликнинг олдини олиш ва даволашда гриппга қарши зардоб айниқса фойдали. Гриппга қарши зардобни касалликнинг биринчи кунларидан кечиктирилмай, 2—3 кун давомида қабул қилиш лозим. Касалликнинг олдини олиш мақсадида зардоб ёши 12 га тўлмаган болаларга катталарга нисбатан оз миқдорда, 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларга эса ярим дозадан берилади.

Шамоллашни даволашда антибиотик ва сульфониламид дориларидан фойдаланиш мумкин. Буларга пенициллин, тетрациклин, окситетрациклин, сульфадимезин, этазол, норсульфазол, стрептоцид ва бошқалар киради. Бу дориларни фақат врач маслаҳати билан қабул қилиш лозим, акс ҳолда, соғ танга зарар етказиши мумкин.

Шамоллаш ва грипп касаллигида нафас олиш аъзолари яллиғланади. Бурундан назла келади, касал йўталади. Йўтални қолдириш учун гулхайри илдизи ва термопсиснинг дамланганидан, пектуссиндан, кодеиннинг терпингидрат аралашмасидан фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари, горчичник қоғозидан фойдаланиш ҳам бемор ҳолатини яхшилайди. Тумовда эса нафтизин эритмасидан махсус томизгичда 2—3 томчидан икки-уч марта бурун бўшлиғига томизиш фойдалидир. Шунда, димоғ очилиб, нафас олиш яхшиланади.

Болалар тумов бўлган тақдирда, нафтизиннинг 0,025 процентли эритмасидан фойдаланиш мумкин.

Шуни эсдан чиқармаслик керакки, касалнинг қон босими ортиқ, тахикардия ва артериосклероз касаллиги билан оғриган бўлса, нафтизин эритмасини ишлатиш асло мумкин эмас. Шунинг учун, дорихоналарда тумовни даволаш учун эфидрин ,протаргол, фурацилларнинг сувдаги, ментол ва салолнинг вазелин мойидаги эритмасидан фойдаланиш лозим.

Оғиз бўшлиғини чайқаш учун фурацеллин, эквалит, календула настойкаси, перекис, водород ва перманганетнинг сувдаги эритмаларидан фойдаланилади.

Беморнинг ҳарорати ошиб, боши оғриганда аспирин, амидопирин, антипирин, пиркофен, пираналлардан истеъмол қилса, иситма тушиб, оғриқ қолади.

Шамоллаш касалининг кенг тарқалиб кетмаслиги учун тозалик ишларига қаттиқ риоя қилиш лозим. Бунинг учун, идиш-товоқларни ва полни хлорамининг икки процентли сувдаги эритмаси билан ювиш керак.

Бундан ташқари, дорихоналарда хлорли оҳак ва бошқа дезинфекция қилувчи воситалар мавжуд.

Ҳ. АҲМЕДОВ,
доришунос.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Дунёда ҳеч қандай сабаб спиртли ичимликларни кўп ичиш орқасидан келиб чиқадиган азоб-уқубат ва касалликлар каби оғир оқибатларга олиб келмайди.

Ч. ДАРВИН.

* * *

Алкоголь қурбонларининг зурриётларида ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан катта доғ қолади: улар нишёқмас, беқарор, ақлий жиҳатдан қолоқ ва маънавий ҳисси кучсиз бўлади.

И. БЛОКИН.



Кўзларидан меҳр нури ёғилиб турган шифокор Чилонзор районидаги 9-туғруқхонада врач-гинеколог бўлиб ишлайди. Маҳбубахон Абдураҳмонова хушмуомалалиги билан коллективнинг ҳамда оналарнинг ҳурматини қозонган.

Ж. Раззоқов фотоси.

Ҳаракат—соғлом ҳаёт

Одам бир кунда тахминан йигирма минг марта қадам ташлайди. Бу рақам ҳар йилда етти миллионга етади. Агар инсон етмиш йил яшаса, шу давр ичида қарийб беш юз миллион марта қадам босади. Демак, инсон бутун умри давомида ер юзини экватор бўйлаб тўққиз марта айланиб чиқиши ёки Ердан Ойгача бўлган масофани ўтиши мумкин.

«Ҳаёт ҳаракатни тақозо этади», дейишади. Ҳаракат одамни ўлимдан қанча узоқ қилса, ҳаракатсизлик одамни тўшакка шунча яқинлаштиради. Олимларнинг айтишича, ақлий меҳнат соҳиблари бир кунда энг камида ўн минг қадам босишлари керак, чунки мушаклар ҳаракати организмга жавлон беради. Бировлар суст ва камҳаракат бўлади, бировлар, аксинча, серҳаракат. Саломатлик нуқтаи назаридан, серҳаракатлик мақсадга мувофиқдир. Куч ва ҳаракат бобида чумолиларнинг тенги йўқ, дейишади. Масалан, бир ишчи чумоли кичик тошни бажувват жағлари орасига олиб, туйнукдан нари суриб қўйибди. Тош чумолидан эллик марта оғир экан. Шу нисбатни одамга ишлатсак, дейди мутахассислар, демак, уч-тўрт тонналик юкни у бемалол кўтара олиши керак. Ҳаётда куч ва ҳаракатнинг турлича ларнинкига тенг келадиган «асбоблари ҳам топилади. Ривоятларга қараганда, бир шарқ аёли бузоқни қирқ зина босиб томга олиб чиқар экан. Бузоқ сигирга айланибдики, аёл уни бемалол кўтараверар экан. Демак, у ҳар куни ва оз-озидан жисмоний ҳаракатга ўрганиб борган.

Бир вақтлар (1928 йил), «Гулистон» журналида ақл бовар қилмайдиган даражада бир хабар босилган эди. Беш ёшли паҳлавон Лилибинфильд қўли билан занжирларни узган, муштуми билан мих қоққан. Рим императори Максимин (бўйи 250 сантиметр) от чоптириб бораётган аравани кетидан ушлаб, тақа тўхтатган ва бир мушт уриб, отнинг пастки жағини синдириб юборган. Джон Мессис Миланда шундай номер кўрсатибди: У арқоннинг бир учини спорт самолётининг думига боғларкан, иккинчи учини эса тишлаб оларкан. Самолёт учар экану, лекин полвоннинг бақувват тишлари олдида у занжирбанд бўлар экан.

Тез ҳаракат, югуриш ва чопиш ҳақида бир-биридан ажабланарли маълумотлар бор.

Яқинда, бизнес-айреслик ишчи Роберто ва унинг қаллиғи Нелли Рейноса тўқсон икки соат тез ҳаракатли танца тушишди. Ҳар уч соатда улар сут, мева шарбати ичиб туришди.

Мадраснинг Велала қабиласидаги эркаклар ажиб ҳунар соҳибларидир. Улар чопиб юриб стенография қилишади. Чунки маҳаллий бойлар ришшага ўз амру-фармонларини йўлда кета туриб буюрар эканлар. Ҳақ эса, босилган километрга қараб тўланар экан.

Тараумара деган ҳинд қабиласи дунёда энг чопқир экан. Улар икки юз етмиш километр масофани тахминан йигирма етти-ўттиз соатда босар эканлар. Улардан бири беш кунда, ҳатто тўққиз юз олтмиш километр югурган. 1928 йилда олтмиш ёшли Готишанинг чопганича Берлиндан Венага (500 километр) келган.

Ҳаракат қанча кўп бўлса, шунча кўп энергия сарф бўлади. Шунинг учун, семиз кишилар астасекин ҳаракатга ўргансалар, ортиқча ёғлар эриб сарф бўлади-да, қомат алифдек тик бўлади.

Зикрилла ЭГАМБЕРДИЕВ,
медицина фанлари кандидати.

ҚАЙСИ ПАСТА ЯХШИ?

Агар тишингиз оғриган бўлса, «Жемчуг» пастаси билан тозаланг. Агар тишингиздаги тошларни врач ёрдамида тозалатган бўлсангиз, «Белорозовая» пастасидан фойдаланинг, бу паста иккинчи марта тишда тошлар пайдо бўлишига йўл қўймайди.

Агар тишингизни ювганингизда қонаса ёки оғрингизда ҳид сезилса, «Лесная» пастасидан фойдаланинг. Бу тишингизни милк билан мустаҳкамлайди, оғиздан ҳидларни кетказади.

Бундан ташқари, «Бальзам» пастасидан фойдаланиш ҳам мумкин, бу ҳам тишни қонашдан, тишда тош пайдо бўлишдан сақлайди, тишни тоза қилади. Агарда тиш соғлом бўлса, унда «Апельсиновая», «Бородинцерин», «Карьковская», «Мятная» ва бошқа пасталаридан фойдаланишингиз мумкин.

Болалар учун махсус пасталар «Детская» ва «Ягодка»лар бор. Булар болаларга мослаб ишланган бўлиб, ширин маза беради.

Самарали аэратор

Ротор типидаги янги аэратор сув тозаловчи иншоотларда, шунингдек, балиқчилик аҳамиятидаги табиий ва сунъий ҳавзаларда ишлатилади.

Машинанинг иш принципи қуйидагича: ротор айланаётганда, унинг юзида ҳаво сийракланиши вужудга келиб, атмосфера ҳавосининг агрегат бўшлиқлари орқали ўтиб туришини таъминлайди. Ана шу юзада ҳавонинг майда-майда микроскопик парчаларга айланиши ҳам содир бўлади. Бу ҳаво вибрацион таъсирга дуч келиб, унинг натижасида узоқ вақт мобайнида пульсланиб туради ва сув қатлами орасидан ўтади.

Шуларнинг ҳаммаси ҳаво пуфакчаларининг узоқ муддат ушланиб туришини таъминлаб, сувда анча кислород эришига сабаб бўлади. Шундай қилиб, тозаловчи иншоотга келувчи кислород 70 процентгача етиб, бошқа аэрация методларининг энг катта имкониятларидан ҳам бир неча баравар ошиб кетади.

Янги агрегатнинг фазилати шуки, у хоҳ тинч сувда, хоҳ юзини кўпик ёки муз қоплаган сувда ҳам бирдай самара билан ишлайверади. (ТАСС мухбирлари).

● *Фан ва техника янгиликлари*

Ноёб реактив

Совет химиклари ғоят мусаффо азот кислотаси ҳосил қилдилар. Ўтказилган нозик тадқиқотлар шу азот кислотасидаги чет аралашмалар процентининг юз миллиондан ўн улушидан ҳам ошмаслигини кўрсатди.

Тадқиқотчилар, технологлар ва конструкторлар билан биргалашиб оригинал тозалаш методини яратишдан ташқари кўплаб кислота олишга имкон берувчи машина-ускуналарни ҳам ясадилар. Бу ноёб реактив сифати ва иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан жаҳонда ишлаб чиқарилаётган барча маркалардаги азот кислотасидан устун туради.

Хўш, бундай кислота қаерларда ишлатилади? Бундай кислота қўлланиладиган соҳалар жуда кўп: радиоэлектрон саноатида, ғоят мусаффо металл ва қотишмалар ишлаб чиқаришда, ғоят мусаффо реактивлар ва ионалмашув смолалари ишлаб чиқаришда қўл келади.

Тадқиқотчилар ҳар қандай иқлимий шароитларда бундай кислотани узоқ муддат сақлаш учун янги хил контейнерлар яратдилар ва уларни ишлаб чиқаришни йўлга солдилар.



Тошкент Марказий универсал магазинининг совғалар бўлими доим харидорлар билан гавжум бўлади.

СУРАТДА: миллий совғалар секциясида савдо пайти.

М. Нуриддинов фотоси.

Планета янгиликлари

АПН, ТАСС мухбирлари хабар берадилар

ИОРДАНИЯ АҲОЛИСИГА ЁРДАМ

ИОРДАНИЯ. Қизил ярим ой жамияти ва Фаластин Қизил ярим ой жамияти совет Қизил крестига мурожаат қилиб Иорданиядаги ички можаро вақтида зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатишни илтимос қилган эди.

Совет Қизил крести ижроия комитети инсонпарварлик принципларига амал қилиб, мамлакатдаги қуролли тўқнашув вақтида зарар кўрган аҳолига ёрдам бериш ҳақида қарор қабул қилди. Аммонга дори-дармон, хирургия воситалари, озиқ-овқат ва бошқа моллар юборилади. Совет Қизил крести Иорданияга медицина ходимларининг бир группасини ҳам зарур асбоб-ускуна билан юборишга тайёр эканлигини билдирди.

Совет кишилари бу ёрдам зарар кўрганларнинг аҳволини енгиллаштиради ва Иорданиядаги вазиятни нормаллаштиришга ёрдам беради деб умид қиладилар. (ТАСС).

Меҳнат ва капитал

РИМ

Италия Умуммеҳнат конфедерациясининг даъвати билан куни-кеча бутун Италияда икки соатлик забастовка ўтказилди.

Мамлакатдаги энг катта касаба союзлардан бири сафида бирлашган 4 миллион Италия меҳнаткашлари «Янги снёсат учун, ислоҳотларни амалга ошириш учун кураш куни» ўтказдилар.

Забастовка вақтида митинглар ва намойишлар ташкил қилинди.

НЬЮ-ЙОРК

Америкадаги энг катта автомобиль компанияси «Форд моторс корпорейшн» ишчилари ва хизматчилари бошлаган забастовка уч ҳафтадан бери давом этмоқда. Иш ҳақини оширишни талаб қилиб бу забастовкага қўшилган меҳнаткашлар сони, дейилади АП агентлигининг хабарида, қарийб ярим миллион кишига етди. Забастовка сабабли компанияниинг бир қанча корхоналари ёпилиб қолди, натижада, мамлакатда автомобиллар ишлаб чиқариш ўтган ойга нисбатан 40 процентдан зиёдроқ камайди.

САНТЬЯГО

Мамлакатдаги энг катта мис конларидан бўлган Чукикумат, Эксотика ва Токопил конларининг 7 минг 500 нафар ишчи-хизматчилари забастовка бошладилар. Улар иш ҳақини оширишни ва меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилмоқдалар. Меҳнаткашларнинг делегациялари билан корхоналарнинг маъмуриятлари ўртасида олиб борилаётган музокаралар натижа бермагандан кейин ишчи ва хизматчилар ишни тўхтатишга қарор қилдилар.

Темуко шаҳридаги хусусий мактабларнинг 900 нафар ўқитувчилари 48 соатлик забастовка бошладилар. Улар январь ойидан бери ололмаган иш ҳақларини тўлашни талаб қилмоқдалар.

КАРАКАС

Венесуэлада Американинг «Набис» компаниясига қарашли кондитер фабрикасида ишлаб турган ишчилар забастовка бошлаганига 50 кун бўлди. Улар иш ҳақини оширишни, иш кунини қисқартиришни, меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилмоқдалар. Шу фабриканинг аксарияти хотин-қизлардан иборат бўлган ишчилари сира шамол юрмайдиган биноларда, қизиб турган ўчоқлар олдида ишлашга мажбур қилинмоқдалар. Ишчи хотинлар кўпинча димиқиб, ҳушдан кетиб қоладилар. Ҳатто ҳомиладор хотинлар ҳам бу фабрикада оғир жисмоний ишларни бажаришга мажбур қилинмоқда.

ИСТАМБУЛ

Туркия ички денгиз йўллари ходимларининг уч мингдан кўпроқ ишчи қатнашган ўн кунлик забастовкаси шу ходимларнинг талабасбилан тугади. Маъмурият денгизчиларнинг асосий талабларини қабул қилишга мажбур бўлди, жумладан, коллектив шартнома тузишга ва иш ҳақини оширишга розн бўлди.

БУГУН ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИЛ ТОПГАН КУНГА 21 ЙИЛ ТЎЛДИ

Утган 21 йил давомида Германия Демократик Республикаси гуллаб-яшнади. Республикада яшаётган озод немис халқи социализм қуриш йўлида улкан ғалабаларни қўлга киритди.


Дўстона социалистик мамлакатлар сафида туриб дунёда мустаҳкам тинчликни ҳимоя қилаётган Германия Демократик Республикасининг халқаро обрўси мисли кўрилмаган даражада ўсди, юксалди.

СУРАТЛАРДА:

БЕРЛИН. Универмаг даги «Космик соат».

* * *

ДРЕЗДЕН. Цвиттер. Р. Плунгян фотолари.





АМЕРИКА ЁШЛАРИНИНГ ЖАВОБИ

ВАШИНГТОН. «Вьетнамдаги урушни тўхтатиш учун студентлар «Сафарбарлик комитети» деб аталган ва урушга қарши тузилган ташкилот Федерал текшириш бюросининг бошлиғи Гуверннг Америка студентлари номига ёзган «Очиқ хати»ни кескин танқид қилди.

Америка охранкасининг бошлиғи ўз «хати»да АҚШ университетларида кескин аҳвол рўй берганлиги учун бутун айбни урушга қарши кайфиятдаги студентлар зиммасига юклашга уринди.

«Бу хат,— дейилади баёнотда,— бошқача фикр юритувчиларнинг ва Шарқи-Жанубий Осиёда АҚШ томонидан олиб борилаётган урушга қарши чиқаётган кишиларнинг оғзини юмиб қўйишга очиқдан-очиқ уринишдан бошқа бир нарса эмас». Гувернинг хати, деб таъкидлаб ўтилади баёнотда, Хинди-Хитойдаги агрессияга қарши чиқаётган миллионларча америкаликларга қаршн қаратилган. (ТАСС).

СОВЕТЛАР ЮРТИНИНГ ВАКИЛЛАРИ

БЕРЛИН. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси ёшлари билан Совет Иттифоқи ёшларининг дўстлик фестивалида қатнашиш учун совет ёшлари делегацияси Дрезденга келди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари Борис Пуго бошчилигидаги бу делегация составида йигит ва қизлардан 600 киши бор.

Бу тантаналар В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги ва фашизм устидан ғалаба қозонилган кунининг 25 йиллигига бағишланди. Бу — ҳар иккала мамлакат ёш авлодининг биринчи оммавий анжуманидир.

ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

БУХАРЕСТ. (ТАСС). Румыния олий ўқув юртларида янги ўқув йили бошланди. 150 мингдан ортиқ студент машғулотга киришди. Металлургиялар шаҳри Хунедоарда очилган политехника институтида биринчи марта машғулотлар бошланди.

Университетлар ва олий ўқув юртлари янги лабораторнялар билан таъминланди. Неча минглаб студентлар ёруғ, шинам ётоқхоналарга кўчиб жойлашди. Тиллардан бирини, шу жумладан, рус тилини ўрганиш ва имтиҳон бериш шу йилдан бошлаб олий ўқув юртларидаги барча факультетларнинг ўқув программасига киритилди.

Авиакомпаниялар жанги

ЛОНДОНДА «Англия учун» бўлаётган янги жанг энг авжида. Бу гал ҳаво бўшлиқларидан фойдаланиш учун жанг бўляпти.

Ситининг молия корчалонлари нацнонализацня қилинган компанпялардан энг фойдали ҳаво йўлларини тортиб олиш ва улардан келадиган ҳамма фойдани ўзлаштириш мақсадида «иккинчи кучга эга бўлган йирик хусусий авиакомпания вужудга келтиришни ятдилар. «Бритиш юропеп эйруэйс» (БЕА) ва «Бритиш оверсиз эйр Корпорейшн» («БОАК») деб аталган давлат авиакомпаниялари уларнинг ҳужум объектларн ҳисобланадн.

«Иккинчи куч»га эга бўлган авиакомпанпянн «Бритиш юнайтед эйруэйс» ва «Каледонпан эйруэйс» деб аталган икки хусусий компанпянн бирга қўшиб юзага келтирмоқчи бўладилар. Улар давлат компаннялари билан рақобат қилиб, брнтаннялик солиқ тўловчилар ҳисобнга олнпадиган ғоят катта фойдалар эшигнпн хусусий омонатчиларга очмоқчи бўладилар. Бунинг учун, эса, нацнонализацня қилинган авиакомпанпялардан энг фойдали ҳаво маршрутларнпн тортиб олиш ва йиллар бўйи юзага келтирилган асбоб-ускуналар ҳамда фирмаларнинг шуҳратпин тақсимчаларда янги хўжайинлар олдига қўйиш керак.

Олдиндан мўлжаллаб қўйилган фойдалар ҳажмига келганда эса, молия экспертларидан бирининг фикрича, янги акционерлик компаннясининг асосий фойдалари камида олти миллион фунт стерлингни, қулай шароитларда бўлдан ҳам кўпроқни ташкил этиши мумкин. Бунинг устига «иккинчи куч»га эга бўлган авиакомпанянинг ҳалқ эълон қилнпмаган янги маршрутлардан фойдаланиш учун алоҳида ҳуқуққа эга бўлишига шубҳа йўқ.

Хусусий компаннянинг акционерлар рўйхатига нарндан-берн, кўз ташлаган кишн унинг қандай «топишган улфатлар» эканлигини дарҳол кўрнб олиши мумкин. «Бритиш юнайтед эйруэйс» авиакомпаниясининг 90 процент акцпясинн қўлида тутувчи «Бритиш энд коммонвелс» монополияси правленнесининг ранси сэр Николас Кайзер бир вақтнинг ўзида «Каледонпя инвестмент» фирмаси правленнесининг ранси, шунингдек, яна 57 компаниянинг аъзоси ҳамдир. Икки ранслик креслоси унга ямлига 17 минг фунт стерлинг фойда «келтирадн» унинг қўлидаги бу икки компанпя акцпяларнпнинг бозор нархи 1969 йилда ярим миллион фунтга тенг келган эдн.

Сэр Николаснинг амакиваччаси Антонн Кайзер «Бритиш юнайтед эйруэйс» правленнесининг ранси.

«Игл стар иншурнс», страхование компаниясн «Бритиш юнайтед эйруэйс»нинг кўп акцияларнпнн қўлида тутадн. Бу компанпя консерваторлар партиясининг сайлов олдн фондига 11 минг фунт стерлинг ўтказдн. Бошқа акционерлар катта банклар, транспорт фирмаларн ва йирик универсал магазинларнпнинг хўжайинларидан иборат. Улар келгусида авиа йўлларидан фойдаланишдан келадиган катта фойдаларга олдиндан чангал солиш учун зимдан макрокорона иш кўрмоқдалар.

Иккала давлат авиакомпаниясининг ҳисобида ҳам аварнялар сони кўп эмас. Холбуки шу вақтнинг ўзида қолган хусусий фирмаларда савдо-сотиқ бошқармасининг 1968 йилдаги маълумотларига қараганда кўпгина бахтсиз ҳодисалар рўй бердн. Давлат авиакомпаниялардаги иш шароитн ва меҳнатга ҳақ тўлаш хусусий компаниялариникига нисбатан яхшироқ. Яқинда «Бритиш юнайтед эйруэйс» компаниясининг хизматчилари иш ташлагандан кейин компания хўжайинларн иш ҳақнда «БЕА» ва «БОАК» компанпяларнпнки даражасига оширишга мажбур бўлдилар. «БЕА» ва «БОАК» компаниялариниинг баъзи маршрутларнпнн вужудга келтирнш қпмматга тушдн. Масалан, «БОАК»нинг Атлантик ҳаво йўли 112 миллион фунт стерлингга тушдн. Бироқ бу йўл фойда келтира бошлаш билан хусусий авиакомпанпяларнинг доимий маршрутлардан фойдаланиш учун ижозат олишларига имкон берадиган махсус қонун қабул қилинди.

Консерваторларнинг хусусий авиакомпания юзага келтирнш ҳақндагн таклифи кўпчилик ғазабнпн уйғотдн. Улар, ютиб юборнш мушкул бўлган катта тилимни илинтирднк, деб ишонишган эдн. Улар касаба союзларидан ташқари Брнтания касаба союзлари конгрессини ва парламент аъзоси бўлган лейбористларнинг анчагина қисмнни, бирлашган фронт вакили ҳисобланган «БОАК» ва «БЕА» компанпяларн бошқарнш аппаратнпнинг деярли ҳаммасини ўзларига қарши қилиб қўйдилар. Бу бирлашган фронт эса, Англия авиация йўлларн хусусий кўлларга бернладнган бўлса, уни халқаро бойкот қила олади. Бироқ молия корчалонлари қўллаб-қувватлаётган консерваторлар чекинпш нпятида эмас. Улар ўз олдиларига қўйган мақсадга эришш учун интилишда давом этмоқдалар.

Б. ХАММЕРЛИНГ,
англиялик журналист ёзл.
(АПН).

* ТЕКИНХЎРЛИК, БЕЗОРИЛИК ВА ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

АРОҚХЎРЛАР ВА ҲОМИЙЛАР

Мамлакатимизда ичкиликбозликка қарши кескин кураш эълон қилинган. Унинг олдини олиш учун кўпгина ишлар қилиняпти. Шаҳримизда спиртли ичимликлар билан савдо қилувчи магазинлар сони кескин камайтирилди, вино ва арақ сотиш вақти чегараланди.

Яқингинида ҳам ичкиликбозлар паркларда ва кўчаларда яйраб ичишлари учун шароит бор эди, ҳозир эса ундай эмас. Лекин вақт-вақти «қитдай» отиб олишни истайдиганлар учун барча тешик-туйнуклар мутлақо беркитиб қўйилган, дейиш мумкинми? Минг афсуски, йўқ. Айрим виждонсиз савдо ходимлари ичкиликбозликка қарши курашга ҳалақит беряптилар.

«Тошкент оқшоми» редакциясига кейинги пайтларда келган бир қатор хатларда газетхонлар сотувчилари ичкиликбозларни қарийб қучоқ очиб кутиб оладиган магазинларнинг аниқ адресларини айтганлар. Улар исталган вақтда стаканда ва шишилаб вино сотадилар (қасддан эмас, албатта). Яқинда редакция Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси профилактика бўлими ходимлари билан биргаликда рейд ўтказди ва корхоналар, автобазалар яқинидаги, микрорайонлардаги магазинларда спиртли ичимликлар қандай сотилаётганини текширди.

Эрталабдан кечгача

Шастри кўчаси ва Луначарский шоссеси муюлишида сабзавот дўкони бор. Бу ерда янги сабзавот қарийб бўлмайди. Лекин пиво савдоси жуда чаққон бўлади. Кун бўйи бақириш ва сўкинишдан қулоқ қоматга келади. Дўкон атрофи ифлос, қоғоз бўлаклари тўлиб кетган. Шундай яқингинада «Чимган» ва «Светлана» магазинлари ичкиликбозлар учун хизматда. «Сўқи»дан ичкилари келган кишилар шу магазинларга киradилар. Луначерский шоссесидаги 20, Шастри кўчасидаги 2, 3, 4 уйларнинг аҳолиси маст-аласт кишиларнинг шовқинидан кун бўйи безор бўлиб кетишади.

...«Светланага» биз эрталаб ўн яримда келдик. Магазин ичкарисига кирдик. Шу пайт вино бочкаси қўйилган пешахта олдига эллик ёшлардаги аёл келиб, сотувчига икки оғиз сўз айтгандай, у стаканда вино қуйиб берди. Биз шошмадик. Аёл винони бамайлихотир ичиб бўлиб, ташқарига чиқиб кетаётганидагина уни тўхтатдик. Унинг ҳужжати йўқ эди. Исми-шарифини сўрадик.

— Шпота Галина Ивановна. Чиноbод кўчасидаги 23-уйда яшайман;

—Нахорга ичгани уялмайсизми?

— Нимаси уят экан? Бир стакан ичсам ичибманда...

Биз Галина Ивановнанинг уйига бориб, шахсини аниқлаш мақсадида машинага таклиф қилгандик, унинг капалаги учиб кетди.

— Мен алдаган эдим! — деди у хижолат билан. — Исми-шарифим Зинаида Петровна ,яшаш жойим Садовая кўчасидаги 24-уй.

Маълум бўлишича, Шпота 16-маршрутда (8-автопарк) кондуктор бўлиб ишлар экан. У бир стакан «Портвейн» отиб олганидан кейин пассажирларга қандай муомала қилишини фақат тассавур қилиш мумкин!

«Светлана»нинг кўпгина харидорлари сотувчи Ханифа Исломовани меҳнат кунини икки юз грамм отиб олиш билан бошлайди. У соат 11 гача спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қатъий тақиқланганини яхши билади (магазиннинг кўринарли жойига бу ҳақда эълон ҳам осиб қўйилибди), шу сабабли ҳам айбини бўйнига олгиси келмади. Шпотага вино эмас, гўё олча шарбати сотдим деб туриб олди. Шуниси таажжубланарлики, сотувчини магазин мудири Каюмол Сандаҳмедов ҳимоя қилмоқчи бўлди.

«Чимган»нинг мухлисларини эса ўша куни омадлари келмади. Қўйиб сотишга мўлжалланган винони складдан олиб келишга улгуришмапти. Ичкиликбозлиги шундай афтидан билиниб турган икки тунд қиёфали шахс бўш бочка атрофида айланиб, ноилож чиқиб кетди.



Ҳар ҳолда ишга бориш керакда .

Лекин «Чимган»нинг павильонда (аҳоли ўз хатида мана шу павильон ҳақида сўз юритганди) пиво савдоси чаққон эди. Сотувчи Шариф Содиқов ўз мижозларига жуда меҳрибон. Савдо эрталаб соат саккиздан бошланиб кечқурунгача давом этади. Сотувчи ўзини ҳам унитаётгани йўқ. У бизнинг кўз олдимизда харидор И. Жумақуловни алдаб, Жигулий пивосининг шишасига 35 тийинлик ҳақ олди. Унда даромад қилишнинг бошқа манбаси ҳам бор. Сотувчи бўшаган шишаларни фақат ўн тийинлик қабул қилади. Бу ишлар ҳаммаси 14-магазин («Чимган») мудири Искандар Эшонов кўз ўнгида бўляпти.

Магазинлар қандай жойлашган?

Баъзилар арақ ва винони сотиш тўхтатилса, ичкиликбозлик ва у келтирадиган ташвишлар ҳақида сўз юритганди) пиво савдоси чаққон эди. Сотувчи Шариф Содиқов ўз мижозларига жуда меҳрибон. Савдо эрталаб соат саккиздан бошланиб кечқурунгача давом этади. Сотувчи ўзини ҳам унитаётгани йўқ. У бизнинг кўз олдимизда харидор И. Жумақуловни алдаб, Жигулий пивосининг шишасига 35 тийинлик ҳақ олди. Унда даромад қилишнинг бошқа манбаси ҳам бор. Сотувчи бўшаган шишаларни фақат ўн тийинлик қабул қилади. Бу ишлар ҳаммаси 14-магазин («Чимган») мудири Искандар Эшонов кўз ўнгида бўляпти.

Хўш, нима қилиш керак? Ишбилармон ўт ўчирувчилар ёнғинини ўчиришдан, олдини олиш осонроқ дейишади. Демак, профилактик тадбирларга эътиборни қаратмоқ лозим. Спиртли ичимликларни сотиш муддатини яна қисқартириш, заводлар, фабрикалар, институтлар автобазалар олдидаги магазинларда эса уни сотишни мутлақо тақиқлаш лозим. Аммо бундай чегаралаш айрим савдо ходимларига унча хуш ёқмайди: уларнинг ўз ташвишлари бор.

... 4 ва 5-троллейбусларнинг сўнгги бекатидаги кичкина чўрмисиз 44 «а»-магазинга ишчи кийимидаги эркаклар ёпирилиб киришди-ю, қарийб ҳар бири чўнтагига бир шиша арақ ёки вино солиб чиқди. Улар бўшаган шишаларни ҳам шу ерга олиб кела бошлашди. Ёш савдо ходими Баҳодир Собиров экскаватор заводи лак-бўёқ заводи ва 0525-автобазалик мижозларига жуда эҳтиёткорлик билан хизмат қиляпти.

Бу ерга, айниқса, экскаваторчилар тез-тез қадам ранжида қилиб туришади .Уларга қулай: магазин завод дарвозасининг шундай ёнгинасида жойлашган. Баъзилар ҳавасларни келаётганини яширолмаяпти. Бу ердаги чойхона май хонага айланиб қолган. Ундаги «Спиртли ичимликлар олиб келиб ичиш таъқиқланади!» деб ёзилган эълонга ҳеч ким эътибор бераётгани йўқ.

Чойхоначи Раҳим Бердиевнинг ҳасратидан чанг чиқади:

— Пиянисталардан безор бўлдик, уришамиз, ҳайдаймиз. Барибир келишаверади.

Верандадаги стол атрофида икки киши ўтиришибди. Уларнинг олдида тугаёзган «Московская» ва бир шиша вино. Тамадди қилиш учун ҳеч вақо йўқ. Иккиси ҳам экскаватор заводидан: А. Долгополов асбобсозлик цехида, Н. Мартинов эса механика цехида ишлайди. Мартинов бизнинг кимлигимизни билгач. шовқин кўтармаслигимизнинг илтимос қила бошлади. Лекин биз «шовқин» кўтардик— бу ерга келишимиздан мақсад ҳам ўзи шу эди-да. А. Долгополов қандайдир муҳим ишни борлигини баҳона қилиб, цех бошлиғи вазифасини бажарувчи Е. И. Зоновдан соат ўн бирда жавоб олган экан. Лекин йўлда Мартиновни учратиб қолибди ва оғайнилар бирга овқатланмоқчи бўлишибди. Шундай қилиб, тушлик ўрнига иш пайтида «улфатчилик» бошланиб кетибди. Аммо бу «улфатчилик»нинг охири завод директори Н. И. Гликладнинг кабинетида нохуш суҳбат билан тугади.

— Биз коллектив ўртасида тарбиявий иш олиб боряпмиз, —деди директор. — Масалан, ўтган йилга қараганда прогул икки баравар камайди. Лекин у барибир ҳали ҳам кўп. Завод ёнидаги магазин ҳамма ҳаракатларимизни йўққа чиқаряпти. Бу магазинни бошқа жойга кўчириш ҳақида қаерларга мурожаат қилмадик дейсиз. Лекин ҳаммаси бефойда бўлди.

Бир ярим ой илгари худди шу магазин иши текширилганда, бу ер ичкиликбозлик қиладиган жойга айланиб қолганлиги аниқланганди. Магазиндан исталган миқдорда арақ сотиб олиш ва уч киши битта шишани улфат бўлиб ичиш мумкин. Магазин мудири А. Илҳомжонов жиддий огоҳлантирилди ва магазинда спиртли ичимликлар сотишни таъқиқлаш таклиф қилинди.

«Вечерний Ташкент» бу ҳақда 22 август сонидаги «Гавжум жой» мақоласида ёзганди. Лекин мана кўриб турибсизки ҳеч нарса ўзгарганга йўқ. Куйбишев райпищеторгидаги ўртоқлар энди ҳеч бўлмаса завод раҳбарларининг илтимосига қулоқ соладилар ва магазинда спиртли ичимликлар ичиш таъқиқланади, деб умид қиламиз.

Спиртли ичимликлар билан савдо қиладиган савдо шохобчаларини жойлаштиришда кўпгина номақбулчиликлар бор. Редакциямиз яқинда бир гуруҳ аёллардан қуйидаги хатни олди: «Бизнинг эримиз «Главташкентстройнинг 2-автобазасида ишлашади. Шу автобаза ёнида учта магазин жойлашган. Улардан исталган пайтда спиртли ичимликлар сотиб олиш мумкин. Эримиз қарийб ҳар куни уйга маст бўлиб келишади. Баъзан кайф билан рулга ўтиришади. Уларнинг ичкиликбозлигини йўқ қилишда ёрдам берингг».

Ҳақиқатда ҳам автобаза савдо шохобчалари билан қуршаб олинган, уларда вино савдоси авжида. 5-магазин филиали ва пиво павильони автобаза дарвозасининг ёнгинасида жойлашган. Биз борганимизда улар берк эди. Лекин 5/2-павильон сотувчиси Асан Юнусов дўконини омборхонага айлантирибди. Бу ерда бўшаган шишалар қалашиб ётганди. А. Юнусов савдо дасмни бузиб, шоферлар ширакайф икки ўспирин ва яна қандайдир бир аёл қоровул олдига бориб, секин нимадир дейишди. Кейин қоровул атрофга олазарак қараб, темир дарвозадан ичкарига кириб кетди. Ойди-сотди тугагандан кейин биз учала харидорни ҳам ушладик. Таҳқиқотчи Р. Ахмедова ва Иванов «Московская особая» арақнинг шишасини тўрт сўмдан олишибди. Асташевага эса магазинга таксида келганини кўшиб ҳисоблаганда бир шиша «Портвейн» 53 винони икки сўмга тушибди.

Қоровул Карим Усмонов — ёш йигит (у қоровуллчилик қилиш ўрнига заводда ишласа ёки қурилишда ғишт терса маъқул бўларди) бизни ялиқ қутиб олди. Лекин нима мақсадда келганимизни билганидан кейин эса ранги оқариб кетди. Бунинг сабаби бор экан. Гастроном ҳозирги кўздан кечирилганда тахланган ғиштлар орасида яширинча спиртли ичимликлар сақланиши аниқланди. Биз у ердан саккиз шиша «Портвейн» топдик.

Қоровулми? Йўқ, савдогар

Мана, савдо ходимларининг иш вақти ҳам тугади. Гастрономларнинг эшиги бекилди. Шундан кейин қарабсизки, қоровул магазинда энг мўътабар шахс бўлиб қолади. Унга арақ-хўрлар хушомад қилиб ялинишади. Унинг олдига пиёда, автомашинада ва мотоциклда боришади. Моторининг гурилляши. машина сигнали, пиянисталарнинг шовқин-суронидан магазин ёнида жойлашган уйларда яшовчиларнинг қулоқлари қоматга келади.

...Чилонзорлик бир гуруҳ дружиначилар билан 8-кварталдаги 16-гастрономга бордик. Вино ва арақ билан савдо қилувчи бўлим бекилиши билан гастроном атрофида одам сийраклашиб қолди. Лекин бу вақтинча экан. Бир неча минутдан сўнг қарабсизки, тунги меҳмонлар пайдо бўла бошлади. Майкачанг, кўрпачадан ширакайф икки ўспирин ва яна қандайдир бир аёл қоровул олдига бориб, секин нимадир дейишди. Кейин қоровул атрофга олазарак қараб, темир дарвозадан ичкарига кириб кетди. Ойди-сотди тугагандан кейин биз учала харидорни ҳам ушладик. Таҳқиқотчи Р. Ахмедова ва Иванов «Московская особая» арақнинг шишасини тўрт сўмдан олишибди. Асташевага эса магазинга таксида келганини кўшиб ҳисоблаганда бир шиша «Портвейн» 53 винони икки сўмга тушибди.

Қоровул Карим Усмонов — ёш йигит (у қоровуллчилик қилиш ўрнига заводда ишласа ёки қурилишда ғишт терса маъқул бўларди) бизни ялиқ қутиб олди. Лекин нима мақсадда келганимизни билганидан кейин эса ранги оқариб кетди. Бунинг сабаби бор экан. Гастроном ҳозирги кўздан кечирилганда тахланган ғиштлар орасида яширинча спиртли ичимликлар сақланиши аниқланди. Биз у ердан саккиз шиша «Портвейн» топдик.



2-пардозлаш трестининг гастроном билан ёнма-ён жойлашган 3-қурилиш бошқармаси қоровули ҳам тунги савдогарчиликнинг «ҳавасманд»ларидан экан. Лекин бу кеча унинг савдогарчилик қилишга ҳоли-қудрати йўқ эди. У тўйгунча ичиб, эшикнинг ичидан қулф солиб ухлаб ётганди. Уни безовта қилишга тўғри келди... Қоровул Саъдулла Тожиев уйқусининг чаласнни район милиция бўлимида ухлади.

16-гастроном бир неча йилдан бери маъжуд. Бу ерда тунда ҳамиша қонунга хилоф равишда спиртли ичимлик билан савдо қилиш авжига чиқади. Гастрономда умуман кундузи ҳам спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қондаси бузилмоқда. Жумладан, вино ва арақлар билан савдо спиртли ичимликлар билан савдо қилишга фақат соат ўн бирдан кейин рухсат берилиши ҳақидаги эълонни кўрмайсиз. Бундай шароитда кўпинча эрталабдан 6-ўн атрофида тўпланиб« қитдай»ни бошлайдиган пиянисталар яйрашадику! Қани, уларга бирон нарса дея кўрингчи: сизни чапороста қилиб сўкиб юборишдан ҳам тойишмайди.

Дарвоқе ,бизнинг рейдимиздан сўнг бир кун ўтгач, гастрономда тунги савдо яна бошланибди. Фарқи шуки, янги қоровул ўн қараб бир чўкийдиганлардан экан..

Ичкиликбозлик ҳамиша жамиятга катта зиён етказиб келди. Айниқса, у бизнинг ҳаётимиз учун жуда жирканч ва бегонадир. Шундай бўлгач, биз ичкиликбозлик ва у келтирадиган ташвишларни ҳаётимиздан тагтомири билан йўқотиш учун бор куч-қувватимизни сарфлашимиз лозим. Энг аввало ичкиликбозликка олиб келадиган сабабларга қарши оммавий кураш эълон қилиш керак. Магазинларда вино ва арақларни қуйиб сотишни бас қилиш, ичимлик билан савдо қиладиган муассасаларни турар-жойлар ва жамоат жойларидан олисроққа кўчириш, савдо маданиятини яхшилаш ва спиртли ичимликлар билан савдо қилиш тартибини бузувчи савдо ходимларини шафқатсиз жазолаш пайти келди.

Рейдда қуйидаги ўртоқлар қатнашдилар:

И. ЖУМАҚУЛОВ, А. АҲМЕДОВ, молия ҳисоб-кредит техникуми кўнгилли халқ дружинаси аъзолари, Ф. ЦИРКУН, А. ЕСЬКОВ, Х. ХАИТМИРЗАЕВ — Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси профилактика бўлими матбуот группаси ходимлари,
В. ҚОБИЛОВ — «Тошкент оқшоми» мухбири.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИЗОР

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 7|Х да **Оқуш кўли**, 8|Х да **Русалка**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7|Х да **Олтин девор**, 8|Х да **Пар.вона**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7|Х да **Ёшликда берган кўнгил**, 8|Х да **Бахт тўйи**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА ОЛЕГ СОКОЛНИНГ СССРДА ЯГОНА ЭЛЕКТРОН-ИЛЛЮЗИЯ АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

Кино

7 ОКТЯБРДА
ҚИШКИ БИНОДА

Даҳшатдан кучли (кеч 7.30 минутда). **Поезд** (кеч 9 да) —САНЪАТ САРОЙИ.

Халоскорлик —«КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК», «ДРУЖБА» «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кечқуруи).

Яшаш даври — «ЧАЙКА» (кечқуруи);

Асунта, бехато от!—«ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Анупама — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кечқурун).

Бахтли киши — «МОСКВА» (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Бахтли киши —«ФЕСТИВАЛЬ».
Халоскорлик—«ХИВА».

9 ОКТЯБРДА
ҚИШКИ БИНОДА

Халоскорлик—«КОМСОМОЛ 30 ИЛЛИГИ», НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Даҳшатдан кучли (кундуз соат 2, 4, 5.30 ва кеч 7 яримда), **Поезд** (эрталаб соат 11 ярим ва кеч 9 да)—САНЪАТ САРОЙИ.

Яшаш даври—«ЧАЙКА» (кундуз ва кечқуруи).

Асунта, бехато от!—«ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи).

Анупама — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Бахтли киши—«МОСКВА» (кундуз ва кечқуруи).

ЁЗГИ БИНОДА

Бахтли киши —«ФЕСТИВАЛЬ».
Халоскорлик—«ХИВА».

«ЎЗЭНЕРГОСБИТ»

Ҳамма абонентларга ҳар ойнинг биринчи ўн кунлигида электр энергиясидан фойдаланганликлари учун счёт ёзиб Давлат банкининг кириш омонат кассаларига пулларни

ТЎЛАШЛАРИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ЎТГАН ВАҚТ УЧУН ҚАРЗИ БЎЛГАН АБОНЕНТЛАР УЛАРНИ ТЕЗДА ТЎЛАСИНЛАР.

1 октябргача қарзларини тўламаган абонентларга электр энергия бериш

ТЎХТАТИЛАДИ

Қарзни тўлаганларга электр энергия бериш навбати билан қайта тикланади.

АБОНЕНТ КИТОБЧАЛАРИ ТУГАЁТГАН ГРАЖДАНЛАР: 33-29-56; 33-78-60 телефон номерларни бўйича телефон қилишлари ёки 1 май кўчаси, 101 уйдаги абонент хизматига ўзлари билан эски абонент китобчасини олиб (абонент номери) келишларини ва янги китобча

ОЛИШЛАРИНИ СЎРАЙДИ

Абонент хизмати абонент китобчаларини якшанбадан бошқа ҳар куни эрталаб соат 9 дан кеч 7 гача, шанба куни. лари эрталаб соат 9 дан кундуз 5 гача беради.

«Узэнергосбит»

«Узхладоторгмонтаж» трестининг

ТОШКЕНТ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТЎЗАТИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ
10 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

савдо ва умумовқатланиш корхоналарининг совутиш, электр-иссиқлик ва механика ускуналари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган

4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида доимий прописқада турувчи, камида 22 ёшда бўлган электрчи ва ичдан ёниш двигатели ремонти бўйича слесарлар (камида 3 разрядли) **қабул қилинади. Уқувчилар стипендия билан таъминланадилар.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар Граммпластинка кўчаси, 40 уй, телефонлар: 66-21-31, 66-03-65.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

1971 йил учун қуйидаги ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»,
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»,
«ПАРТИЯ ТУРМУШИ»,
«ПАРТИЙНАЯ ЖИЗНЬ»,
«ЎЗБЕКИСТОН АГИТАТОРИ»,
«АГИТАТОР УЗБЕКИСТАНА»,
«МЕҲНАТ ВА ТУРМУШ»,
«ГУЛИСТОН»,
«САОДАТ»,
«МУШТУМ»,
«ГУЛХАН»,
«ГУНЧА»,
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»,
«СОВЕТ МАКТАБИ»,
«РУССКИЙ ЯЗЫК И ЛИТЕРАТУРА В УЗБЕКСКОЙ ШКОЛЕ»,
«МУХБИР»,
«КОРРЕСПОНДЕНТ».

Ўзбекистон Компартияси мариазий комитети нашрнёти.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11 уй)

7 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ОЛЕГ СОКОЛнинг

СССРДА ЯГОНА ЭЛЕКТРОН-ИЛЛЮЗИЯ АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ЭЛЕКТРОМЕХАНИК АССИСТЕНТ РОБОТ ИШТИРОКИДА

«МЎЪЖИЗАСИЗ МЎЪЖИЗАЛАР»

ва катта ҳар турли программалар.

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Шанба кунлари: кундуз соат 3, кеч 6 да; якшанба куклари кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да томошалар кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан очиқ.

7 ОКТЯБРЬ ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 «Ахборот» информацион программаси.

Узбек тилида: 18.10 «Юлдузча» телевизион журнали. **18.45** «САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ 2 МИНГ 500 ИЛЛИГИ ШАРАФИГА». Озиқ-овқат индустрияси. **19.05** Халқ талантлари ижросида концерт. **19.45** «Ахборот» информацион программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.15** Социализм дунёси. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Ўқувчилар учун концерт. **21.30** «Биз ишчилар синфимиз». Репортаж. **22.00** Совет киноси тарихининг саҳифалари. «ОНА». Бадиий фильм. **23.25** «Вақт» информацион программаси. **23.55** Рангли телевидение. Спорт кўрсатуви. **00.45** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 «Ёшлар санъати». Фильм-концерт. **19.10** «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ўзбекистон комсомолдари». **19.50** Реклама.

Узбек тилида: 20.00 «Тош ҳақидаги хотиралар». Кинофильм. **20.50** Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси хорининг концерти. **21.30** «Кўзгудаги сув париси». Бадиий фильмининг биринчи серияси.

8 ОКТЯБРЬ ПАЙШАНБА

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 «Қизлик йиллари». Бадиий фильм. **21.20.** «Тайфун кўзи». Ҳужжатли фильм. **22.20** «Венгер куйлари» «Гурниянинг камер сюитаси». Фильм-концертлар.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

22.30 Ўзбек тилида кинофильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 Визнинг интервью.

Рус тилида: 20.20 «Интербитмаш-68». Илмий-оммабоп фильм. **20.40** «Нон ва гул». Бадиий фильм. **22.15** «Буковина оқшомлари». Фильм-концерт.

РАДИО

7 ОКТЯБРЬ ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 Кўрсатувлар программаси, **18.00** С. Абдуқаҳҳор. «Читтивой ва Миттивой». Ўзбек тилида телевизион кўғирчоқ театри.

Рус тилида: 18.35 «Ахборот» информацион программаси. **18.50** «Юбилейный» спорт залидан бадиий гимнастика ҳақида репортаж олиб кўрсатилади. **19.20** Реклама.

Узбек тилида: 19.30 Ленинизм —давримиз байроғи. **19.45** «Ахборот» информацион программаси. **20.00** «Айбсиз». Бадиий фильм. **21.25** КПСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА. Пахта терими кундалиги». **21.40** ПАХТА ТЕРИМИ ИЛҒОРЛАРИ УЧУН КОНЦЕРТ. Матқарим Болтаев куйлайди. **22.20** Кўрсатувлар программаси.

МОСКВА КУРСАТАДИ

22.30 Рангли телевидение. Хоккей бўйича Европа чемпионларининг кубоги учун. «СПАРТАК»—ЦСКА. **01.00** Москва кўрсатувларининг охири.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КУРСАТАДИ
«ДУСТЛИК» ЭКРАНИ

ФРУНЗЕ

ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ
КУРСАТУВЛАРИ

Рус тилида: 18.00 Болалар учун. «Сеҳрли қалам». **18.30** Киножурналлар. **18.50** Янгиликлар. **19.00** «Киргизистон санъат усталари». СССР халқ артистқаси Б. Кидикеева.

МОСКВА КУРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. **20.05** Янгиликлар. **20.15** Бадиий ҳаваскорлар концерти. **21.00** Янгиликлар. **21.05** Сенга, ёшлик! **21.30** Миллионлар лениниа университети. **22.00** «Вақт» информацион программаси.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 Бизнинг интервью.

Рус тилида: 20.20 «Интербитмаш-68». Илмий-оммабоп фильм. **20.40** «Нон ва гул». Бадиий фильм. **22.15** «Буковина оқшомлари». Фильм-концерт.

7 ОКТЯБРЬ ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Партия ходими минбари» (русч). **18.10** В. Смирнов, К. Чадгориинг «Юз қиз ва бир эркак» повестига ёзилган куйлардан сюита. **18.40** Спорт эшиттириши (русча). **19.20** Қозоқ куйлари. **20.00** «Ўзбекистон ишчиси» радиожурнали. **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **20.55** «Саломатлик — туман бойлиги» (Ўзбекча). **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** «Ватан ҳазинасига кўплаб пахта етказайлик». Эшиттириш ва концерт (Ўзбекча). **22.20** «Пахта теримида қатнашаётган шаҳарликлар, сизлар учун». Концерт (русча). **22.40** Шеърият кечаси. Ж. Жабборов ва Ҳ. Шарипов шеърлари (Ўзбекча). **23.15** «Дам олиш соатида». Концерт. **24.00** Тунги концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Қора-Қораев. «Етти гўзал». Концерт-очерк. **19.30** «Самарқанд шоирларининг шеърлари (русча). **20.00** Пахтакорлар учун концерт (тожикча). **20.30** «Шонли ишчи синфи». Э. Бушга бағишланган музикали эшиттириш (русча). **21.00** Қардош халқлар адабиёти. Дағистон ёзувчиси К. Мажидовнинг «Тоғ бургутлари ўлмайди» ҳикояси (Ўзбекча). **21.40** Москва.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

17.00 Г. Флобер. «Бовари хоним» радиопостановкаси (русча).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 7 ОКТЯБРЬ, 1970 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар—33-27-22 партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар кўжалиги бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари—33-27-03, ахборот бўлими—33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Мариазий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР. 3125.
Р. 004448.